

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (11.122)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасида юрлар транзитига доир қонунчилик базасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда куйи палата депутатлари, соҳага тааллуқли вазирлик ва идоралар, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мутахассислари иштирок этди.
- Тошкентдаги «Халқ истеъмолчи моллари» савдоси-ярмарка кўргазмалар республика маркасида Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган «Қурилиш материаллари ва ҳўжалик моллари» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Мазкур кўргазма Марказий Осиё Савдо компанияси томонидан «Ўзулгуржи-савдоинвест» уюшмаси кўмагида ташкил этилди.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти бош бошқармасида мамлакатимиз Президентининг «Тижорат банларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда қафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг мазмун-моҳияти мақсадини кенг тарғиб этишга бағишланган амалий семинар ўтказилди.
- Жорий йилда Навоий вилоятида коммунал соҳада қарийб 1,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Жумладан, Инвестиция дастурига асосан 19,6 километрик сув қувурлари, бешта ер ости сув насоси ўрнатиш учун 330 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Газ қувурлар тортишга 466,4 миллион сўм, электр тармоқларини реконструкция қилишга 697 миллион сўм маблағ йўналтирилади.
- Гулистон Компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида «Наврўз ва кадрятлар» мавзусида талабалар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан 15 нафар иштирокчи қатнашди.
- Наврўз байрами кунларида Андижон вилоятида жойлашган «ЎзҚомранҚО» қўшма корхонасида янги лак-бўёқ цехи фаолият бошлади. Шунингдек, ушбу корхонанинг янги маъмурий биноси ҳам қад ростлади.
- Навоий давлат қончилик институти «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти кенгаши, «Ижтимоий фанлар» кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган «Сумалак сайли» талаба-ўшларнинг нафақат байрам, балки миллий кадрятларимизни теранроқ англаш ва кадрларга қорловчи ўзига хос тадбирга айланди.

- Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг гарбий қирғоғида жойлашган 50 та блокпостини олиб ташлашни билдирди. Бу Яқин Шарқда тинчликни мустақамлашда муҳим қадамдир.
- Покистонда янги ҳукумат коалицияси тuzилди. Унга барча партия аъзолари уларнинг Миллий ассамблеядаги ўрнига қараб пропорционал равишда жалб этилди.
- Кеча Бағдод шаҳри маъмурилари шаҳарда комендантлик соатини бекор қилишди, бироқ шитлар истиқомат қилувчи 3 та мавзедда автоматбилларнинг ҳаракати таққиловчи ҳамон ўз кучида қолмоқда.
- БМТ ахборот департаменти «Дунё кўпроқ билиши шарт бўлган ўнта мавзунини эълон қилди. Бу йилги ўнтаклидан бирваракайига учта низоли мамлакатлар — Афғонистон, Судан ва Уганда жой олган.
- Куба ҳукумати ўзининг мобил алоқа воситаларидан фойдаланишни таққиловчи қарорини бекор қилди ва мамлакат аҳолиси биринчи апрелдан бошлаб қўл телефонларини сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.
- Кеча Греция пойтахти Афинадаги Марказий стадионда Олимпиада машъаласи ёқилиб, Хитой вакиллари топирилди.
- Кеча Шпицбергенда Россиянинг Ми-8 вертолётининг ҳалокатга учраши оқибатида уч киши ҳалок бўлди, икки киши тан жароҳатларини олди.
- Кеча Лапландияда бугу тортувчи чангичлар ўртасида уч километр масофага гаройиб пойга мусобақалари бўлиб ўтди.
- Догистоннинг Махачқалъа шаҳридаги нефть базасидаги цистернада кучли ёнғин чикди. Ёнғин натижасида бир киши жабрланди, шаҳарнинг катта қисмини қуюқ ту-тун қоплади. Ҳозирда ёнғин қиқши сабаблари ўрганилмоқда.
- Хитойда ноқонуний тарзда ишлаб чиқарилган мушакларни шаҳар чеккасидаги майдонда портлатиш чоғида 22 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Лондондаги машур Хитроу аэропорти-нинг замонавий талаблар асосида қайта қурилган бешинчи терминалида юрларни жойлаштириш тизимининг ишламай қолиши оқибатида 65 та парвоз бекор қилинди.
- 1700 йилда машур италиялик скрипка устаси Антонио Страдивари томонидан ясалган ва «The Penny» номи билан танилган ноёб скрипка 4 апрелда Нью-Йоркдаги «Кристис» ким ошди савдолар уйи томонидан ўтказилган аукционга қўйилди. Мутахассислар скрипканинг нарҳини 1,1-1,5 миллион долларга баҳолашган бўлса-да, бироқ коллекционерлар ушбу ноёб асбобнинг бир-мунча қиммат нарҳда сотилишини башорат қилмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

ХАБАР БЕРИЛГАНДЕК, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 28 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага (Тошкент, 1992 йил 15 май) қўшилиши ҳақида»ги Қонунни, шунингдек, мамлакатимизнинг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзоларига тикланиши билан боғлиқ бошқа бир қатор халқаро битимларни кўриб чиқди. Бунда шу нарса қайд этиб ўтилдики, мамлакатимизнинг ана шу ҳужжатларга қўшилиши тинчлик ва барқарорликни, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликни мустақамлашга қаратилган бўлиб, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитети самарали тарзда ҳимоя этилишига ёрдам беради. Мазкур битимларни ратификация қилиш қарори Ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқидан келиб чиқадиган ҳамда Конституциянинг 17-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси ташкилий сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Ана шу ҳуқуқий ҳужжатлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Олий Мажлисининг юқори палатаси мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан киритилган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция» (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари таққилов ва йўқ қилишга доир шилинч чоралар тўғрисидаги конвенция» (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқди ва маъқуллади. Мамлакатимизнинг Халқаро меҳнат ташкилоти Бош Конференциясининг 58 ва 87-сессияларида шу нуфузли халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган мазкур конвенцияларга қўшилиши давлатимизнинг болалар ҳамда ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатлари ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминлашга, уларнинг ҳар тарафлама ва тўлақонли камол топиши учун зарур ижтимоий, иқтисодий ва бошқа йўналишдаги шароитлар яратишга қаратилган илҳол сийбатининг ифодасидир. Сенатнинг шу ялпи мажлисида маъқулланган «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун бунга яққол мисолдир. Унда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш ва бундай жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муддаосидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.

Ялпи мажлис ишида давлат инвестиция ва божхона сиёсатининг ҳуқуқий базасини такомиллаштирувчи қонунларни кўриб чиқиш муҳим ўрин тутди. Шундай қонунлардан бири «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг топишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 6 декабрда қабул қилган «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб қириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Қарор асосида ишлаб чиқилган. Сўзга чиққанлар томонидан қайд этилганидек, ушбу Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун замонавий технологиялар ва ускуналарни, уларнинг бутловчи қисмларини, шунингдек, хомашё ва материалларни олиб қириладиган чет эл

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР МАМНУН

Хозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган илҳол илҳоллар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун пухта замин ҳозирламоқда. Чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган. Юртимизда жадал давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш



жараёни чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтда фаолият юритаётган «Алким текстил» масъулияти чекланган жамияти бунга яхши мисол бўлади.

Туркиянинг «Alkim textil» компанияси билан ҳамкорликда 2004 йили ташкил этилган ушбу корхонада илҳол технологиялар асосида болалар кийими ва тайёр трикотаж полотнолар ишлаб чиқарилади. Хомашё сифатида ўзбек пахтасидан фойдаланилади. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ранг-баранглиги, юқори сифати, қулайлиги, ҳушбичим ва кўркамлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. «Алким текстил», шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва бўёқлар савдоси билан ҳам шуғулланади. Корхонада олти юздан зиёд киши меҳнат қилади. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган кенг

шарт-шароит ва қулай сармоявий муҳит «Алким текстил» учун ҳам катта имкониятлар ашигини очмоқда, — дейди корхона бош директори Вадед Элам. — Бу эса корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Корхона аҳлининг яқин келажакдаги режаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратишдан иборат.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР Йўналишларига БАРИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАНГАНДЕК, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ЭРИШИШДА, АВВАЛАМБОР КЕНГ Кўламли ТИЗИМЛИ БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ Қилишга ҚАРАТИЛГАН ҲАР ТОМОНЛАМА ПУХТА Ўйланган СИЁСАТНИНГ АМАЛГА ОШИРАЎЛТИРИШ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

ёриланаётган маҳсулотлар раанг-баранглиги, юқори сифати, қулайлиги, ҳушбичим ва кўркамлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. «Алким текстил», шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва бўёқлар савдоси билан ҳам шуғулланади. Корхонада олти юздан зиёд киши меҳнат қилади. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган кенг

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАТАР ДАВЛАТИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ (ҚАРОРҒОҲИ АЛ-КУВАЙТ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН) АБДУРАФИҚ ҲОШИМОВ ҚАТАР ДАВЛАТИ АМИРИ ШАЙХ ҲАМАД БИН ХАЛИФА ОЛ СОНИЙГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлати ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Қатар Амири Шайх Ҳамд бин Халифа Ол Соний Қатар Давлати Ўзбекистон Республикаси билан ўзaro ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш, шунингдек олий даражадаги сиёсий мулоқотларни фаоллаштиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

«Жаҳон» АА

Қисқа сатрларда

- «**ЁШЛИК**» талабалар шаҳарчасида олий ўқув юрлари, урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари, ўқувчилари, ўқитувчилари иштирокида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон — либерал-демократик партияси «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган семинар-тренинг «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир» деб номланди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла гузарига «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган тадбир «Наврўз — озолик ва поклик рамзи» деб номланди.
- **ЎТГАН** кунни Ўзбекистон ИИВ академиясининг сержантлар тарқибини тайёрлаш курси битирувчиларига дипломлар топширилди.
- **ШАҲРИМИЗДА** офтальмолог шифокорлар иштирокида ўтказилган илҳол-амалий анжуман «Офтальмологияда янги технологиялар — 2008» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Банк тизими давлат иқтисодиётининг крон томири бўлиб, иқтисодий-иқтисодий муносабатлар учун аҳамиятли жараёни...

нинг биринчи талабдаёқ уларнинг ҳисобварақларидан маблағлар ҳеч қандай тўқсиз берилиши таъминланган.

аҳолига мақбул вақтлардан келиб чиқиб белгиланмоқда. Фармон талаблари доирасида Тақдим этувчи учун омонат тўғрисидаги...

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юқсак ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибасини янада кенг ўрганиш, ҳужали субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга эришиш керак.

Фармонга мувофиқ, омонатчи ҳам ўзининг шахсий ҳисобварағига, ҳам тақдим этувчининг ҳисобварағига, яъни аноним тарзда маблағ қўй олади.

га қараганда, ушбу банк тизимида жами 563 жамғарма, коммунал ва махсус кассалар фаолият кўрсатаётир. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилган ана шу тармоқларда мижозларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилаётгани кишиларимизнинг банкларга бўлган ишончи янада ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Фармон ва ижро

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — МИЖОЗЛАР ИШОНЧИНING КАФОЛАТИДИР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯҚИНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ, 2008 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ - 2009 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ ОРАЛИГИДАГИ ДАВРДА ИСТАГАН КИШИ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТЛАРИ БАНКДА ЎЗ ДЕПОЗИТ ҲИСОБАРАҒИНИ ОЧИШИ, УНГА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ МАНБАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАЙДИГАН ҲУҶЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТМАГАН ҲОЛДА ИСТАГАНЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚЎЙИШИ МУМКИН.

манфаатларига хизмат қилади, айни чоғда, банкнинг раванки ва истиқболлини ҳам таъминлайди.

Этиборли жиҳати шундаки, бунда банкдаги депозит ҳисобварағига қўйилган маблағларнинг келиб чиқиш манбалари тўғрисида декларация ва ҳужжатлар тақдим этиш нәфақат талаб қилинмайди, балки бундай ҳужжатларнинг банклар, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан сўралганининг ўзи ҳам қатъийан таъминланган.

Яқинда банкнинг Сурхондарё филиалида "Амударё" мини-банки очилди. Тез орада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Хоразм, Навоий ва Самарқанд вилоятларида қўшимча мини-банк ва жамғарма кассалари очилиши мавқудларидан эса иш самардорлигини янада ошириш режалаштирилган.

Хозирги кунда юртимизда қарийб 30 банк ва уларнинг минглаб филиаллари, бўлинмалари фаолият юритмоқда. Энг муҳими, мижоз ўзи банк таллаш, пул маблағларини бир нечта банклардаги ҳисобварақларида сақлаш ва ўз маблағларини, қаронда жойлашганидан қатъи назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эга.

Мутахассисларнинг қайд этишича, агар Россия ва Қозғистондаги банк муассасаларининг ҳар бирига 20 миңдан зиёд аҳоли тўғри келса, Ўзбекистонда бу рақам 5 миң кишидан ошмас экан. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич тахминан 4 миң киши эканини инобатга олсак, мамлакатимиз бу борада илғор давлатлар эришган натижага деярли тенглашгани аққол кўзга ташланади.

Хозирги кунда "Ипотека-банк" томонидан аҳолига миллий ва хорижий валютада "Хазина", "Хамкор", "Ишон" каби ўттизга яқин омонат турлари тақдим қилинапти. Мижозлар ўзларининг бўш пул маблағларини сақлаш учун энг мақбул шартлар ва муддатларни танаши ҳамда даромадларини ошириши учун кенг имкониятлар яратилган.

Банкларнинг бундай кенг қўламли тармоғи мамлакатимизнинг бутун аҳолисини банк хизматлари билан тўлиқ таъминлаш, юрдошларимизнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини мумкин қадар кўпроқ қондириш имконини бераётир.

Бу - фақат битта монополист-банк фаолият кўрсатган эски тузумнинг асоратларидандир. Уша даврда банкка қўйган пуллари истаган вақтида ёки умуман ололмай «огзи қўйган», жамғарма кассалари ишончи қолмаган одамлар пулини кўрпа қатида, сандиқда, сейфда, қўсқа айтганда, банкдан ташқарида сақлаган.

Мажмуа мутахассисларнинг қайд этишича, фармон чиққан кундан буюн ўтган қисқа вақт ичида "Ипотека-банк" омонатчилари сони 5 миң кишига кўпайган. Банкка қўйилган омонатлар таркибидан муҳим омонатлар 87 фоизни ташкил қилиб, 1 миллиард 300 миң сўмга етган.

Тармоқни кенгайтириш, минибанк ва филиаллар ташкил этиш ҳисобидан тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Банкларни акциядорлик банкларига айлантириш жараёни жадал давом этаётир. Жорий йил бошида акциядорлар сони қарийб 200 миңга етди ва уларнинг 68 фоизи жисмоний шахслардир.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва пул маблағларини реал секторга жалб этиш масаласи дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, худди шу мақсадда кейинги вақтда бир қатор мамлакатларда капитални легаллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг ушбу фармони эълон қилинганидан буюн ўтган қисқа даврда мамлакатимиз тижорат банкларида унинг ижроси бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ҳар бир тегишли банкнинг марказий офиси ва худудлардаги филиаллари ҳодимлари билан амалий семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказилди. Фуқароларимизнинг муносабатлари малакали жавоб бериш учун масъул мутахассислар ташинланди. Мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жойларда тижорат банкларининг инфратузилмалари - минибанк, жамғарма, коммунал ва махсус кассалар ташкил этилиб, уларнинг иш тартиби

Бу даврда, аввало, молиявий барқарорлиқни таъминлаш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 2007 йилда тижорат банкларининг жами капитали 2006 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайди. Ташкилоти фаолият миллий банки, "Пахтабанк" ва "Хамкорбанк" каби йирик тижорат банкларимиз етакчи рейтинг компанияларининг халқаро рейтингига эга бўлгани алоҳида эътиборга созвор.

Айни вақтда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Омонатлар сақланиши, банк сирини, мижозларнинг

Айни пайтда юртимизнинг барча тижорат банкларида "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" қондасига амал қилган ҳолда, юрдошларимизга мажбур фармон асосида тегишли банк хизматлари кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар мўҳайё этилган.

Айни вақтда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Омонатлар сақланиши, банк сирини, мижозларнинг

Ушбу фармонда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Омонатлар сақланиши, банк сирини, мижозларнинг

Ушбу фармонда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Омонатлар сақланиши, банк сирини, мижозларнинг

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА УНИНГ МУҚОБИЛ МАНБАЛАРИ

ТОШКЕНТДА "СОФ ЭНЕРГИЯ. ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ" МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ. У "ЎЗБЕКЭНЕРГО" ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ, IEG UZBEKISTAN ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА КОМПАНИЯСИ, ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ "ФИЗИКА-ҚЎЙИШ" ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Энергия тежайдиган технологиялар, ишлаб чиқариш ускуналари, электр ва иссиқлик энергиясини ўзгартириш ҳамда тақсимлаш бўйича ўтказилаётган ушбу кўргазмада ўн та мамлакатдан 30 дан ортиқ компания иштирок этмоқда.

логияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. "Кичик гидрэнергетикани ривожлантириш дастури", "2001-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси энергетикасида энергия беришчи қувватларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури" қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистонда биогаз технологияларини ривожлантиришга қўмаклашиш" (Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда), "Ўзбекистонда атоф-муҳит аҳоли мониторингини учун экологик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш", "Ўзбекистонда чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегия ва дастлабки беш йиллик ҳаракат режасини ишлаб чиқиш" каби қўлаб қўйилган лойиҳалари рўёбга чиқарилмоқда.

Ушбу фармонда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Омонатлар сақланиши, банк сирини, мижозларнинг

Кўргазма "Энергетика", "Энергияни тежаш", "Электр техника", "Қайта тикланадиган энергия манбалари", "Электр энергиясини ўзгартириш ва тўплаш", "Санаят экологияси ва хавфсизлик" деб номланган бўлимлардан иборат.

Бу ёрда барча турдаги қайта тикланадиган энергия манбалари, ихчам энергетика, энергияни тўплаш ва ўзгартириш тизимлари, атоф-муҳит мониторинги тизими, узлуқсиз ва сифатли энергия таъминоти тизими бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий техниканинг энг янги ютуқлари, шунингдек, маҳаллий ёқилғи турларидан энергия олиш ва қайта ишлаш ускуналари намойиш этилмоқда.

Ушбу фармонда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича изчил чоралар қўрилмоқда. Омонатлар сақланиши, банк сирини, мижозларнинг

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳномалигида энергия тежайдиган технологияларга катта эътибор қаратилмоқда. Мутахассислар фикрига қўра, бугун жохон энергетикасини ривожлантиришда энергия ресурсларини тежашни кўчайтириш устувор йўналиш ҳисобланади. 2010 йилгача Ўзбекистонда энергетикани ривожлантириш дастурини айнаиб ушбу жиҳатларга алоҳида аҳамият берилган. Ишлаб чиқариш янги технологияларини жорий этиш ва мавқуд энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи энергияни тежаш сисъатининг изчил амалга оширилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасаитириш, иқтисодий тармоқларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради.

Айни пайтда энергия ресурслари ва энергияни тежаш, шунингдек, муқобил энергия манбалари соҳасига техно-

Бу борада Тошкентдаги "Mir Solar" масъулияти чекланган жамияти самарали фаолият юритмоқда. Ушбу корхона Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Қўш-Физика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси физика-техника институти билан ҳамкорликда электр энергиясини олиш ва сув иситиш учун мўлжалланган фотоэлектр станцияларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, таъйинлаш ҳамда ўрнатиш билан шуғулланмоқда. Бугунги кунда "Mir Solar" масъулияти чекланган жамияти томонидан 15-1000 ва ундан юқори ваттли кўча фотоэлектр станцияларини ишлаб

ХАЙРЛИ ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЗСИН

ЎЛКАМИЗДА ФАСЛИ НАВБАҲОР. ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ КЕЗМОҚДА. ҲАММА ЕРЛАРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖ ПАЛЛАГА КИРГАН, УЮШҚОКЛИК БИЛАН ҲАШАРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Мана шундай қутлуг кунларда Ўзбекистон фахрийларини қўлаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаоллари юртимиз фуқароларига муносабатнона йўллашди.

Унда муносабат қадриятларимизни фарзданларимизга ўргатайлик, нурунийларнинг бой ҳаётий тажрибаларини баҳам қурайлик, ўз уйимиз, остонамиз, маҳалламиз озодалигига лоқайд қарамайлик дея таъкидланади. Мустақил Ватанимиз ҳар бир гўшасининг доимий тозаллиги, саранжом-саришталиги учун бошланган умумхалқ ҳаракатида барчага, аввало ёшларга бош-қош ва ўрнак бўлайлик дея табарруқ кексаларимизга давъат этилади.

Дарҳақиқат, ён-атрофимизнинг янада обод ва кўкаламзор бўлишига ҳаракат қилиш — бог-роғларни ораста-лаш, янгиларни барпо этиш, ариқ-зовурларни тозалаш, йўл ва хиёбонларни, кўча-қўй ва гузарларни, спорт майдончалари, турар жой маззелари ва ҳовли-жойларни тартибга келтириш, тарихий-маданий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжоларимизга эътибор қаратиш, ободонлаштириш ва ораста-лаш ҳақларини ўтказиш, ўзгалар кўмагига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шундай экан «Боболаримиз ташаббуси — ёшларга ибрат, деганларидек, келинг ҳар биримиз ҳамжihatликда қай-қай ҳаракатларимиз билан жаннатмонанд юртимизнинг янада чирой очилишига, кўчалари, бог-роғларининг бундан-да кўркам ва обод бўлишига ўз хиссамизни қўшайлик, азиз ҳамшаҳарлар!

ЮРТДА КЕЗАР НАВРЎЗ ШУКУҲИ

ПОЙТАХТДАГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИЛИ ИСТИРОҲАТ БОГИДА НАВРЎЗИ АЙЁМИ ВА ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХАЙРИЯ ТҲБИР ЎТКАЗИЛДИ.

«Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур акцияга шахримизда истиқомат қилаётган 600 нафардан ортиқ кам таъминланган оила вакиллари иштирок этди.

Наврўз яшариш, янгилашни, шунингдек, гўзаллик, меҳр-оқибат ва кўкнам байрамидир, — дейди тадбир иштирокчиси Мухаббат Отабоева. — Ушбу тадбир иштирокчиларга яхши қайфият улаштириш билан бирга қалбларни меҳрга ошно қилади. Айниқса, болажонларда ватанпарварлик, садоқат, дўстлик каби туйғуларни янада шаклланишида туртки бўлади.

Таъкидлаш жоизки, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш борасидаги бу каби хайрий тадбирларни қўлаб ўтказиб келаётир. Шунингдек, акция давомида иштирокчиларга сумалар, кўк сома, халим каби бахорий таомлар тортиқ этилди. Санъат усталарининг миллий қадриятлар, урф-одатларни эски эттирувчи саҳна қўйишлари, аёлни, бахорини мадҳ этувчи куй-қушиқларнинг янграши кечгага файз, иштирокчиларга қувонч бағишлади.

ИНСОНИАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

ТОШКЕНТДА ИНСОНИАТ ТАРАҚҚИЁТИГА БАҒИШЛАНГАН НАВБАТДАГИ ХАЛҚАРО МАЪРУЗАНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИШ ҲАМДА

Маъруза БМТ Тараққиёт дастури буюртмасига асосан бир гуруҳ халқаро экспертлар томонидан тайёрланди.

—Инсоният тараққиётига бағишланган Халқаро маъруза Ўзбекистонда 1995 йилдан бери амалга ошириб келинган, аҳамиятлиси ҳар қил у бошқа-бошқа соҳаларни қамраб олади, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Фикрет Акчура. — Бу маъруза эса таълим ва билим олиш йўналишига қаратилди. Сабаби, Ўзбекистон ривожланаётган давлатлар ичида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларига эътибор қаратиш жиҳатида энг олдинги ўринда туради. Маърузада таълим соҳасида олиб борилаётган улкан ислохотларнинг мамлакат иқтисодиётининг ривожига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Маъруза «Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақлим мувоzanати» дея номланиб, тўртта қисмга бўлинган. Шунингдек, мамлакатда таълим ва итисодий-иқтисодий соҳаларнинг алоқалари, республикадаги барча таълим тизимлари шарҳлари, жаҳон миқёсида эришилган ютуқлар хусусида батафсил тўхталган.

Охириги қисмда эса, мамлакатда таълим соҳасини янада ривожлантириш борасида келажакда қилиниши кўзда тутилаётган ислохотлар хусусида фикр юритилиб, уларнинг самара бериши борасида синалган тажрибаларга эътибор қаратилган.

«Туркистон-пресс»



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Фарбий Германиянинг «Лосве Опта» фирмаси лупа ўрнатилган телевизор ишлаб чиқара бошлади. Янги телевизор ўрта қисмидаги тасвирни хоҳишга қараб 30 фоизгача катталаштириш мумкин. Бу қурилма масалан, актёрлар мимикасини кузатиш ёки футбол баҳсида дарвозага тўп киритиш жараёнларини аниқ қўриш имконини беради. Бу янгилик телевизор техникаси тараққиётида яна бир янги босқичдир.

• Ҳозирги замоннинг юз нафар даҳосини аниқлаш бўйича «Synectics» консалтинг компанияси томонидан кўп босқичли тарзда ўтказилган сўровнома натижалари эълон қилинди. Газеталарнинг ёзишича, улардан энг кўпи — 43 нафари АҚШликлар бўлиб, бу борада иккинчи ўринни рўйхатдаги 24 киши билан Англия эгаллаган. Шунингдек, рейтингда Россия, ЖАР, Бразилия, Хитой, Эрон, Япония, Ирландия, Польша, Германия, Канада, Филиппин, Вьетнам, Испания, Голландия, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Австралия ва Норвегия вакиллари ҳам бор. Даҳолар рўйхатига кирган кишилар шахси ва касб-кори ҳам турли-туман бўлиб, биринчи ўринни швейцар химиги Альберт Хоффман ва британиялик компьютер даҳоси Тим Бернерс -Ли ўзaro тақсимлаб олишган. Ҳозирда 101 ёшга кирган Хоффман суюқ кристалли экран (ЛСД) ихтирочисини, Бернерс -Ли эса — Интернет тармоғи яратувчиларидан биридир. Математик Григорий Прельман тўққизинчи ўринни, шахматчи Гарри Каспаров эса 25-погонани банд этиб турибди. Дунёда энг машҳур автоматнинг яратувчиси Михаил Калашниковга эса 83-ўрин насиб этган. Даҳолар рўйхатидан 15 та ўринни аёллар эгаллашган. Улар орасида Гарри Поттер ижодкори Джоан Роулинг ва актриса Мэрил Стрип ҳам бор. Санъат ва маданият олами вакиллари, масалан, украиналик расом ва ҳайкалтарош Иван Марчук, мукачилик Пол Маккартни ва Дэвид Боуи, режиссёр Квентин Тарантин, ёзувчи Стивен Кинг ҳам бу рейтингга киришган. Яна ҳам кизиги даҳолар рўйхатига Далай-Лама, Нельсон Мендела ва Усома бин Ладини ҳам киритишди.

• Бу тиниб-тиничмаган одамларнинг ишлари қизик-да. Буюк олим алломаларга, давлат ва жамоат арбоблига ҳайқал қўйилиши дунёнинг кўпчилик мамлакатларида одат тусига кирган. Тарқатилган хабарларга қўра, яқинда Воронеж областининг Калач шаҳрида она чўчкага ҳайқал қўйишди. Антика ёдгорлик муаллифлари Иван Воскобойников ва Александр Ельников бўлиб, улар 200 килограммик тилларанг ҳайқални каштанлар остидаги баҳаво жойга ўрнатилган.

• Яқинда руминиялик 25 ёшли Даниэл Дачни исми йигит иш излаб хорижга кетиш олдидан соғлиғи ҳақида текширувдан ўтди. Шунда рентген орқали унинг ички аъзоларида номаълум бир нарсанинг қолиб кетгани аниқланади. Шифокорлар маслаҳатлашиб, уни операция столига ётқизишди. Маълум бўлишича, ичда қолиб кетган нарса, термометр экан. Агар термометрнинг ташқи чинниси синиб, симоб ичига тарқалиб кетганида борми? Шифокорларнинг: «Бу қачон ҳамда қандай бўлган?» — деган сўроқларига Даниэлнинг онаси шундай жавоб берган: «Кичкинтой Даниэлнинг беш ёшли пайтида касалхонада ўйнаб юрганида термометрни ютиб юборгани энди эсимга тушди. Сабаби, шу ёрда хизмат қилувчи ҳамшира келиб термометрнинг ташқи чинниси синиб, симоб ичига тарқалиб кетганида Даниэл йўқ эди. Бу воқеани энди эсладим». Мана шундан буюн хавфли «бомба» бояқиш боланинг ошқозонида 20 йил яшади. «Ажали етмаган одам» деб шунга айтишар экан-да.

• Уэльсдаги Бангор университетини олимлари заминдаги энг қаттиқ тирек жонзотни топганларини маълум қилмоқдалар. Улар Исландия соҳилларида океан венуси турига кирувчи моллюскага дуч келишган. Чиганокларидаги халқалар сонига қараганда унинг ёши 405 -410 йилларга бораркан. Бу топилма ҳайвонлар ўрта-сидаги узок умр қўриш бўйича норасмий рекордни янгилади, дейди «BBC News». Олдинги рекорд ҳам моллюскага мансуб бўлиб, у 374 ёшни ташкил этган. Қария моллюскага Уэльс олимлари Мин деб ном беришди. Чунки у дунёга келганида Хитойда айнан шу сулола императорлари ҳукмронлик қилишган. Моллюсканинг болалик даври Англияда қиролича Елизавета 1 мамлакатни идора қилган ҳамда буюк Шекспир яшаган йилларга тўғри келаркан. Моллюсканинг ёши унинг чиганоғи сиртидаги халқалар сонига асосланиб белгиланди. (одагда даракларнинг ёши шу усулда кўндаланг кесилган тана-сидаги халқалар сони билан ҳисобланади). Бу жонзот Гиннеснинг Рекордлар китобини бойитишдан ташқари бундан юз йиллар олдин атроф-муҳитнинг аҳоли қандай бўлганлиги ҳақида олимларга маълумот ҳам беради. Бу турдаги моллюскалар чиганоғи ҳолатига қараб у шаклланган иқлим, сув ҳарорати ва бошқа шароитлар ҳақида ҳулосалар чиқариш мумкин», — дейишмоқда университет вакиллари.

• Мозамбик ҳукумати юз миңдан зиёд тимсоҳларни Жанубий Африка Республикасига экспорт қилишни мўлжаллаётган. «Ассошиэтед Пресс» агентлигининг маҳаллий ахборот манбааларига таяниб хабар беришича, ЖАРда тимсоҳ гўшти ва терисига талаб юқори даражада экан. Мозамбик ҳукуматининг тимсоҳларни четга сотишдан кутган мақсади иккита: аввало, бу тадбир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига хисса қўшади, қолаверса мазкур йирткичлар ҳужумлари сабабли содир бўлаётган ўлимлар миқдори камади. Айтиш керакки, Мозамбикда ҳар йили ўнлаб кишиларнинг ўлимига айнан тимсоҳлар сабаб бўляпти. Жанубий Мапуту ва Иньямбене вилоятларида, шунингдек, Марказий Маника вилоятида тимсоҳ тухумларини тўплаш учун кўнгилилардан махсус отрядлар тузилган.

В. НИКОЛАЕВ, Ўза мухбири

Инсон ва қонуни

Таянч пунктлари фаолиятидан

ТИНЧЛИК-ОСУДАЛИККА МАСЪУЛИМИЗ

Айтиш кераки, кейинги йилларда тинчлик-осудалик, яхши кўни-қўшнчилик, кадр-қиммат маскани бўлган маҳаллаларда жиноятчиликнинг содир этилиши турли кўнгли-сиз ҳодисаларнинг, гўёвандликнинг олдин олиш бўйича бир қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирдан аёнки бунда ички ишлар тизими ходимлари — профи-

лактика инспекторларининг катта ёрдамлари, туну кун олиб бораётган заҳматли меҳнатларининг ҳиссаси катта, албатта. Масъулиятни бўйинларига олиб иш олиб бораётган тинчликнинг поёнлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Юнусов туманидаги «Шахристон» маҳалласида жойлашган 390-миллиция таянч пункти катта профилактика инспектори, капитан Зокир Хожиев билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда «Шахристон» маҳалласида 4500 нафар аҳоли истиқомат қилади, бу дегани шунча катта-кичик ёшдаги юртимиз фуқаросининг тинч-осудалигини сақлаш, турли кўнгли-сиз ҳодисалар, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъулимиз. Демак профилактика инспекторлари доимо зийрак, ҳушёр бўлган ҳолда жамоатчилик билан ҳамкорликни яқиндан йўлга қўйиб, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, вояга етмаган

БҲУНГИ КҲНДА МУСТАҚИМ ЮРТИМИЗДА БАРЧА СОҚАЛАРДА ТҲБ ИСЛОҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. УНИНГ САМАРАСИ ЭСА ЖАҚОН ҚАМЖАМИЯТИДА ҲЗ ҲРНИМИЗ, САЛОҚИЯТИМИЗГА ЭГА БҲЛИ БОРАЁТГАНИМИЗДА КҲРИНМОҚДА. АЛБАТТА БҲ ЙҲЛДА ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУСТАҚАМ ПОЙДЕВОРИ САНАЛГАН ҚУҚУҚНИ МУҚОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИНИНГ ҚАМ МУНОСИ БҲССИСА БОР. ОСОИШТА ВА МУСАФО ОСМОН, ТИНЧЛИК-ТОТВУВЛИК САҚЛАНГАН ЮРТДА ШАҚ- ШУБҚАСИЗ ЮКСАЛИШ, ТАРАҚҚИЁТ БҲЛАДИ.

ўсмир-ёшлар орасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олишга эътиборни қаратиши лозим. Биз юқоридаги мақсадларга эришиш учун хизматдошим, профилактика инспектори, капитан Носир Бозоров, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Умаров, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масъул Раъно Икромова, унта поёсон, поёсонлар сардори Қўқор ака Пулатов ва маҳалла ҳудудида жойлашган 63-умумтаълим мактаби, 25-оилавий поликлиника жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бу борада «Огоҳликка давват», «ОИТ-Сга қарши кураш», «Аёл ва ҳуқуқ», «Жиноятчилик, қонунбузарликнинг олдини олайлик», «Боланинг бегонаси бўлмайдик» деб номланган бир қатор тадбир ва давра суҳбатларини ўтказамиз.

Яқинда 63-мактабда тумандаги 20 та мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида гўёвандликка қарши катта маънавий-маърифий тадбир ўтказдик. Тадбирда туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Ҳаким Умаров, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, майор Нурилла Тожионов ва бошқа мутасадди ташкилотлардан ходимлар иштирок этиб мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларини билдириб, аниқ рақамлар билан тушунтириш бердилар. Айнисса бу офатнинг вояга етмаганлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш зарурлиги ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Биз ўз фаолиятимиз давомида кўпроқ маҳалладаги ёшларга эътиборни

қаратамиз, чунки вояга етмаганлар жиноятнинг ҳар қандай қўрилишига мойилроқ бўлади. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли ҳудудимизда фақат 4 та нотинч оила, 4 та ҳисобда турувчи ўсмир-ёшлар бор. Биз уларнинг вақтида ўқишга, ишга бориши, бўш вақтида қандай ишлар билан шуғуллашларидан хабардор бўлиб турамыз. Оилавий можароларни ўз вақтида бартараф этиб, ишсиз фуқароларни аниқлаб ишга жойлаштиришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Маҳалламизда 22 та кўча бўлса, 22 та кўча бошилар, уй бошилар бор. Улар поёсонлар сардори Қўқор ака Пулатов бошличилида бизнинг яқин кўмақчимиздир. Маҳаллада, ёнимиздаги, Ғайратий, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев маҳаллаларини қўшган ҳолда тунги навбатчиликни ташкил этганмиз. Ким тунда беқор юрибди, ким келиб, ким кетяпти ҳаммасидан хабардор бўлишга интиламиз. Содир этилган жиноятнинг иссиғида очилишига эришамиз. Жанжалли оилаларда тинчликни таъминлаш, ночор оилаларга имкон борича ёрдам беришга ҳам ҳаракат қиламиз...

Биз ҳам элимиз тинчлиги-осойишталиги йўлида хизматга шай турган профилактика инспекторларининг барқарорлигини таъминлаш борасида эзгу ишларида бардавонлик тилаб қоламиз.

Шоира МУҚАМЕДОВА
СУРАТДА: «Шахристон» маҳалласидаги 390-миллиция таянч пункти профилактика инспекторлари фаолиятидан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат



КУЙЛАР ҚҲШИҚҚА УЛАНДИ

Мазкур байрам кечаси Амалий ва маданий ҳамкорликка кўмаклашиш бўйича «Ўзбекистон-Польша» халқаро асоциацияси, «Полония» поляклар уюшмаси, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятининг Кенгаши ташаббуси билан Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, полякларнинг «Wielkanos» байрами ҳам худди Наврўз каби табиатнинг уйғониши, янгилаш ва баҳорнинг кириб келиши рамзи ҳисобланади. Поляклар байрамининг ўзига хос томони шундаки, унда қадимий ва бугунги кундаги энг лаззатли поляк таомлари, пиширилган, тортлар тайёрланиб, ён-атрофдагиларга улашлади.

Кувнок байрам тадбирида иқтидорли гитара устаси Андрей Галаан, Ирина Галушенко, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Аваз Мансуров ижросида турли композицияларнинг сара асарлари ижро этилди.

Янгилаш аёми сўғида тадбир қатнашчилари поляк миллий таомлари, қандолат махсулотлари таъмига баҳр бердилар.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар



ҚАМКОРЛИҚДА НИШОНЛАНДИ

ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ҲЗБЕКISTONDAГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЧЕХИЯ ПАСХАСИ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН КЕЧА БҲЛИБ ҲТДИ.

— Пасха баҳорни кўтиб олишини жуда қадимдан давом этиб келаётган бир кўриниш десак ҳам бўлади,— деди тадбирда иштирок этган Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фуқуллода ва мухтор элчиси Алеш Фойтик. — Пасха кўнлари Чехияда йилнинг энг қувнок даври ҳисобланади. Бу байрамни нишонлаган даврдаги одат ва иримларнинг аксарияти бугунги кунгача сақланиб келган, айниқса қишлоқ ҳудудларида оддий кишилар уларга қатъий амал қилишади. Аслида бу байрам диний ҳисоблансада, даврлар ўтиши билан баҳор келишини олқишлайдиган халқ байрамига айланган.

Пасха киришидан бир кун олдин бутун халқ катта тайёргарлик қўлади. Баҳор ёшарини фасли бўлгани боис, айниқса ёшлар эътибори марказида бўлишади. Балоят ёшдаги қизлар илк бор туҳмунларни турли рангларга бўяшади, боз йигитлар эса самбиттол новдаларини безаш билан овра бўлишади. Пасха кўни эса барча хурсандчилик қилади, яримрақалар ва кўчалар шўх-шодон ёш-яланг билан тўлади.

Прагада эса байрамининг асосий тантаналари улкан майдонларда гавжум халқ иштирокида, чех халқининг миллий таомлари кўргазмалари, кийим-кечақлар намойишлари ва куй-қўшиқлар жўрлиғида ўтади.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ТАНЛОВИ

ЎЗБЕКISTON ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ҲРТАСИДА ҲТҚАЗИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН «САНЪАТ ҚУНЧАЛИРИ» РЕСПУБЛИКА КҲРИК-ТАНЛОВИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БҲЛИБ ҲТДИ.

Барқамол авлод — Ватанинг бахти. Ҳар томонлама барқамол шахс тарбиясида санъатнинг ўрни беқиёс. Шундай экан эндигина санъат боғига қадам қўётган ёш иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган турли тадбир ва фестивалларнинг ўтказилаётганлиги тахсинга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси ва Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Санъат қуналари» танлови ҳам ёш истеъодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Танловнинг навбатдаги республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида таълим олаётган 9-14 ёшгача бўлган етмишдан зиёд ёш иқтидорли мусиқачилар иштирок этиди.

Уч кун давом этадиган ушбу танловда иштирокчилар скрипка, виолончел, фортепиано йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этади.

—Мазкур кўрик-танлов йилдан-йилга оммалашиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир, — деди ҳайат аъзо-си Муҳаммад Отажонов. — Ишонаманки, бу каби тадбирлар юзлаб ёш истеъод эгаларига янада юксак имконият эшикларини очиб беради. Биз танлов давомида янги чехларлар, янги иқтидорларни кўрамиз ва уларни кашф этамиз. Танловнинг асл мақсади ҳам қобилияти боз ёшларни соҳанинг етуқ мутахассислари бўлиб камол топишга кўмаклашишдан иборат.

Дарҳақиқат, иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, чечка ҳудудларда истиқомат қилувчи ёшларни санъатнинг турли йўналишларига кенг жалб этишга қаратилган ушбу танлов иштирокчилар учун чинакам мусиқа ва санъат байрамига айланади, десак муболага бўлмайдик.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Конституциямиз яшамокда ва амал қилмоқда

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВ ҲЗИНИНГ ҲЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ «АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҚАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙҲЛИНИ ҚАТБИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР» МАВЗУИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ҚАЙД ЭТГАНИДЕК, ЮРТИМИЗДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК, ЭРКИН ВА ОБОД ЖАМИЯТ ҚҲРИШ, ИНСОН ҚУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ВАТИМИЗНИНГ САЛОҚИЯТИ ВА ҚУДРАТИНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҲЗИМИЗГА МУНОСИ ҲРИН ЭГАЛЛАШ ЙҲЛИДА ҚАНДАЙ УЛКАН МАРРАЛАРНИ ҚҲЛГА ҚИРИТГАН БҲЛСАК, БҲЛАРИНГ БАРЧАСИГА КОНСТИТУЦИЯМИЗ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ЙҲЛ-ЙҲРИҚЛАРНИ ОФИШМАЙ АМАЛГА ОШИРИШ НАТИЖАСИДА ЭРИШАЁТГАНИМИЗНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ.

Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қимматини янада «қурроқ ағлаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортомқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Конституция қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциямизнинг асосий ҳусусиятларини таърифлар экан, шундай деган эди: «Жамийи дунёвий неъматлар орасида энг улғуи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик». Бошқача қилиб айтганда Конституцияда инсон манфаатларининг устуңлиги гоёси ўз ифодасини топди. Бу гоё Конституциянинг бутун мазмунига синдирилгандир.

Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа даҳлиси ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қрунлар билан ҳимоя қилинади».

Конституциянинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган. Бу бўлимда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида боблар ва моддаларда мустахкамлаб қўйилди.

Х боб эса инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатанлиши масалаларини ўзида ифода этди. Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари белгиланган бўлиши билан Конституциявий ҳоқда 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 2-моддасига мос келади.

Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кўнларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласини юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирдик ва бу масала бундан кейин ҳам давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Конституциянинг 40-моддасида мустахкамланган ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими қайта кўриб чиқилди. Аҳолига бепул шифоли ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган иختисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғи ташкил этилди. Энг қўйи бунлардан бошлаб республика иختисослаштирилган марказларига — барчаси замон талабларига жавоб берадиган диагностика ва даволаш уюшмалари билан жиҳозланди.

Ҳақ-ҳуқуқларимиз қафолати бўлиши Қомусимизнинг 41-моддасига мувофиқ ҳар ким бўлиш олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади.

Фуқароларнинг Конституцияда белгиланган таълим олишга бўлган ушбу ҳуқуқини тўлиғича таъминлаш, таълим соҳасини тубдан ислоқ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб бериш юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Дастур асосида тубдан янгилашган умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, икки поғонали олий таълим барқамол авлодди тайёрлашда ўзининг самарасини бермоқда.

Бугун юртимизда ҳар томонлама мустахкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизими шаклланган. Аммо, бу соҳада ҳали ечилмаган масалалар, бартараф этиш зарур бўлган муаммолар ҳам бор. Уларни ҳал қилиш, бу соҳадаги ишларимизни давом эттириш мақсадида, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлири янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва муҳтож оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шавқат муҳитини қарор топтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тасдиқланди. 2007 йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм микродорида грантлар, ижро-чиқар ҳамда ҳомиёлар маблағи сарфлангани бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яқоқ кўрсатади.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимизда, ҳеч шубҳасиз, гоёта муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кўчига эга бўлган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»-ги ва «Болалар ҳуқуқларининг, қафолатлари тўғрисида»-ги, шунингдек, «Ҳомийлик тўғрисида»-ги, «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»-ги қонунларнинг қабул қилиниши айниқса эътиборга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бундан кейин ҳам албатта давом эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Албатта бирон-бир босқич юқунлиши мумкин, аммо ҳаётнинг ўзи янгидан-янги босқич ва ваазифаларни ҳали олдимизга қўяверади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда собитқадимлик билан амалга оширилаётган янгилашларнинг, демократик ислохотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида бундан кейин ҳам хизмат қилаверади.

Э.МИРБОБОВА,
Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 1-давлат нотариал идорасининг нотариуси

Тадбирлар

ФИКР-МУЛОҚАЗАЛАРГА БОЙ АНЖУМАН

ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ШАҚАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚАМКОРЛИГИДА ЧИЛОНЗОР ТУМАН ҚОКИМИЛИГИДА ҲЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНING «ФУҚАРОЛАРИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТҲГРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА АСОСАН «АРИЗА ВА ШИҚОЯТЛАР БЕРИШ ҚАМДА УЛАРНИ КҲРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ» ЮЗАСИДАН СЕМИНАР-МАШҲУЛОТИ БҲЛИБ ҲТДИ.

Ўтказилган тадбирда Адлия бошқармаси, прокуратура, ички ишлар идораси ходимлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар судьялари ҳамда давлат ва маҳаллий ҳоқимият органларидан вакиллар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган шаҳар Адлия бошқармаси ходими Аббор Бердиев, шаҳар фуқаролик ишлари суди судьяси Насиба Нажиждинова ва бошқалар мамлакатимизда

ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти инсон шаъни ва кадр-қимматига қаратилгани ҳақида тўхталиб, шунингдек, мавзу доирасида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ҳамда фуқароларнинг муурожаатларини қонунда белгиланган муддатда кўриб чи-

қиш ва ҳимоя қилишдан иборатдир. Чунки ҳар бир муурожаатнинг қонуний тўғри, адолатли ҳал этилиши Конституциявий талаблардан бири ҳисобланади. Ушбу тадбир иштирокчиларига мутахассислар томонидан ариза ва шикоят қилиш тартиблари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.


Тадбир қизгин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтди.

(Ўз муҳбиримиз)

Дарҳақиқат, аёл азиз ва эҳтиромга лойиқ зот. Она — улғу ном, таърифи-га сўз оқиз мўъжиза! Ҳазрат Алишер Навоий бежиз оналарга улғу ҳурмат билан ушбу байтларни битмаган.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равза жанипату жини боз,
Равза боғи висолни истар бега,
Бўл онанинг оёғин туғроғи.

Гулнора ИНАМДЖАНОВА,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Нотариал, ФҲДЁ ва адвокату-ра бўлими бошлиғи



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Ишқ дарди билан оғриган беморнинг табибга эҳтиёжи йўк.

Ишқ билан сабрнинг ораси минг тошдир.

Мазлумга зулм қилишга мойил бўлма, ўтли охидан кўрк унинг — гофил бўлма.

Йирткича қилсанг қарам. Кўйларга бўлар ситам.

Бой қандай қилиб ер нон, Кўриб дарвеш ютар қон.

Одамлар уйини ким қилса вайрон, Ўз уйи ҳам обод бўлмас ҳеч қачон.

Агар фориг бўлсанг дўстлар ёдидан, Фароғат муяссар бўлмайдисендан.

Дунёда ҳар нарсадан дўст сўзи яхшироқдир, Чунки дўстнинг хабари руҳларвар бир нафасдир.

Бу дунёда насиба нақд вақтдир, Эй оқил, бўлмагин бундан бенасиб!

Дўст бўлмаса ҳаётнинг завқу сафоси йўқдир.

Дўстлик ҳаққи, агар ҳатто заҳар бўлса, Кўлингдан Ерман завқу ихлос билан еган каби ҳалвони.

Дунё хушу мол азизу тан шариф, Лекин дўст баридан устун туради.

Истайман илдизидан кўпориб душманликни, Дил боғига ўтқазсам фақат дўстлик ниҳолин.

Аччиқ тирикликдан ўлим афзал.

Чаён ўч олай деб ниш санчмайди-ку, Тугма табиати тақози бу.

Муҳаббатдан кўркма, айласа ҳам хок, Боқий умр топар ким бўлса ҳалок.

Ким зулм этса қилган чоғи подшолик, Подшоликдан кейин қилар гадолик.

Биров мушкни деса ёмон, Ишонма ҳеч — бу сўз ёлгон.

Сўзимни тинглагил: ҳар кимки оқил, Адоват тухумидан кўтармас ҳосил.

Хотин бўлса яхши, саранжом, доно, Камбағал эрини қилади подшо.

Ўқиб-ўрганибсан агарчи чандон, Амалинг бўлмаса, нодонсан, нодон.

Мол умр осойиши учун, умр мол тўплаш учун эмас.

Вақтинг кадрла, олам иборатдур бир дамдан, Доно қошида ўтган бир дам афзал оламдан.

Хазинагни сочиб-совургин бугун, Тополмайсан эрта излаб қалитин.

Бу дунёга келган экансанми пок, Уят кирмоқ тупроқ қаърига нопок.

Дўстларга бўлмасанг меҳрибон, шафик, Дўстларингнинг сендан қочиши аниқ.

Корун ўлди-ю кетди қирқ хазина мол билан, Анушервон абадий яшар эзгу ном билан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Фестиваллар

Дўстлик байрами

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида болалар мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси ҳамда мазкур консерватория ҳамкорликда ўтказдилар.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов, консерватория профессори Рауф Кодиров, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Ёшлар ижодиёт марказининг «Ўзбекистон оҳанглари» доирачилар ансамбли раҳбари К.Ҳақимов бугунги куннинг иқтидорли, истеъдодли ижодкор ёшлари, уларнинг изланиш ва интилишлари, кўлга киритаётган оламшумул ютуқлари ҳақида ўзларининг илиқ фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Юртбошимиз томонидан уларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик замирида келажак порлоқ мамлакатнинг нури истиқболли кўзга ташланаётганлигини ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур фестивалда «Ўзбекистон оҳанглари» доирачилар ансамблининг ёш иқтидорли катнашчилари Олимжон ва Шерзод Ҳақимовлар, Успенский номидидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари Фатима Ахатова (фортепиано), Нилуфар Муҳиддинова

(скрипка), Асал Қозоқбоева ва Азиза Низомова (эстрада кўшиги) йўналишлари бўйича иштирок этдилар.

«Янги авлод — 2007» фестивалининг эстрада ижоди бўйича «Гран-при» соҳиби 6 ёшли Лея Булгакова «Сме-шарики» гуруҳи билан «Оранжевая песенка» кўшигини томошабинлар ҳўқмига ҳавола қилган бўлса, Глизер номидидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари Зайнаб Худойназарова ва Хуршида Раҳмонқуловалар Бобур газали билан айтиладиган «Қаро зулфинг» кўшигини халқ чолғулари ансамбли ҳамкорлигида ижро этиб томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

Шунингдек, «Булбулча» болалар ашула ва ракс ансамбли иштирокчилари «Бойчечак» ва «Офтоб қизди оламга» деб номланган кўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси Мусиқий педагогика кафедрасининг талабалар хори жамоаси иштирокчилари эса «Эй санам», «Зима», «Дети поют о Ташкенте» каби кўшиқларини айтиб фестивалнинг янада жозибали ва жўшқин ўтишини таъминладилар.

— Мен ушбу фестивалда иштирок этаётганимдан жуда мамнунман, — дейди Халқаро фестивал ва бир қанча танловлар катнашчиси ва совриндори Успенский номидидаги Республика мусиқа мактаби ўқувчиси Нилуфар Муҳиддинова. — Ушбу санъат анжумани санъат соҳасида изланиб ижод қилаётган барча ёшларнинг умумий катта байрами ҳисобланади. Жуда кўп чет мамлакатларда хусусан Франция, Исроил, Туркия, Россия, Жанубий Корея каби давлатларда ўтказилган турли хил танловларда катнашганман, аммо ҳеч қайси мамлакатда бизнинг юртимиздаги каби ёшларга эътиборни кўрмадим. Гузал дийоримизда ёшларнинг илм олишлари, ўз иқтидорларини янада шакллантиришлари ва севган соҳаларига бўлган қизиқиш ва интилишларини кучайтириш мақсадида ҳар томонлама шарт-шароитлар ва қўлайликлар яратилган. Бу давлатимиз ва меҳрибон Президентимизнинг ёшларга бўлган ишончи ва ғамхўрлигининг бир тимсолидир. Мен келажакда муқаддас заминимиз ва она ватанимиз шаънини шарафлаб куй-қўшиқлар яратишни ва уларни жаҳон сахналарида туриб ижро этишни дилимга жо қилганман. Мазкур фестивални эса тинчлик ва бирдамликни тараннум этувчи, ёшларни янада бирлаштирувчи дўстлик байрами деб атагим келди.

Дарҳақиқат, келажакимизнинг чароғон юлдузлари ҳисобланган ёшлар бизнинг эртамиздир. Эртани янада ёрқинроқ ва нурафшонроқ қўриш учун эса, бугундан бошлаб ҳаракат қилмоқ лозим. Зеро эртамизнинг шувалари шу ёшлардир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: болалар фестивалидан лавҳалар.

БУГУНГИ КУНДА ДЎКОНЛАРДА СОТИЛАЁТГАН ЁШ БОЛАЛАР УЧУН РАНГ-БАРАНГ МУҚОВАЛИ КИТОБЛАРНИ КЎРГАНИМДА «ЭРТАКЛАР ЯХШИЛИККА ЭТАКЛАР» ДЕГАН НАҚЛ БЕҲОСДАН ЁДИМГА ТУШАВЕРАДИ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ БИР КИТОБДА ЖАМЛАНГАНЛИГИНИ ВА УНИ МУТОЛАА ҚИЛГАН ҲАР БИР ЎҚУВЧИДА МЕҲР-ОҚИБАТ ТУЙГУЛАРИ ҚАНЧАЛИК ЖЎШ УРИБ КЕТИШНИ ЎЙЛАСАН БУ КИТОБЛАРНИ ЧИҚАРАЁТГАН ИНСОНЛАРГА ЧИН ДИЛИМДАН ТАСАННОЛАР АЙТИМ КЕЛАДИ.

Санъат

ЭРТАКЛАРНИ ЖОНЛАНТИРГАН ТАСВИРЛАР

Эртакларни чин маънода жонлантира олган рассом Хусан Содиковнинг ижодий кечаси ўтказилаётганлигини эшитиб, мен ҳам боришга аҳд қилдим. Бу рассом мана неча йиллардан буён «Ўзбек халқ эртаклари» китоб тўпламларида, шахримиз газеталари ва журналларида турли мавзулардаги карикатуралари, тасвирий ишлари билан иштирок этиб келади. Хусан Содиков болалар учун ишлашдан, уларни ҳаётга теран нигоҳ билан боқибга ўргатишдан чарча-

майди. Яхшидан ёмонни, эз-гуликдан ёвузликни ажратишни ўргатадиган ўзбек халқ эртаклари учун аjoyиб ва гаройиб расмлар чизиб бу инсон завқланади, меҳнатидан ором олади.

Хусан Содиковнинг аксарият карикатура расмлари «Шарк» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашрга чиқарилган. «Уртўқмоқ», «Шоҳ Исқандар», «Подшо ва тикувчи», «Пати юлгинган товук», «Алдарқўса ва девлар», «Китобсевар Офтобой» сингари китоблардан

бу рассомнинг ўнлаб ижодий ишлари ўрин олган. Яқинда мазкур нашриёт компанияси томонидан графика ва карикатура устасининг ижодий ишлари ўрин олган янги, уч тилдаги «Ўзбек халқ эртаклари» китоби чоп этилди. Бу эса ёш китобхонларга чин маънодаги совға деса ҳам бўлади. Китобдаги ранг-баранг тасвирилар рус ва инглиз тилини ўрганаётган болаларнинг бадиий тафаккурини оширишга ёрдам беради.

Юлдуз РИЗАЕВА

Тоғ чанғиси

СПОРТЧИЛАРИМИЗ — УЧИНЧИ

Эронда тоғ чанғиси бўйича уюштирилган халқаро турнирда Ҳиндистон, Покистон, Болгария, Тожикистон, Арманистон ва Ўзбекистондан келган 66 нафар спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Шуниси қувонарлики, шахсий биринчилик бахсларида катнашган Олег Шамаев ва Ноил Ширазидовларнинг хатти-ҳаракатлари мутахассислару мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўрин болгарияликларга, иккинчи ўрин эронликларга насиб этган бўлса, Ўзбекистон терма жамоаси фахрли учинчи ўрин билан кифояланди. Энди чанғичиларимиз Арманистон ва Туркияда уюштирилаётган халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Футбол

ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

ТУРКИЯДА НАВБАТДАГИ ЎҚУВ-ЙИГИН МАШГУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ МУХЛИСЛАР КЎНГЛИНИ ХУШНУД ЭТИШДИ.

Гап шундаки, ўқув-йигин машгулотлари доирасида Норвегиянинг икки жамоаси — «Клементе» ва «Клементетруд» билан ўртоқлик учрашувида куч синашган ёшларимиз мухлисларга аjoyиб голлар шодасини тақдим этишди ва ҳар икки беллашув 9:0 ҳисобида ҳамюртларимизнинг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан яқунланди.

(Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳрининг табиий газдан фойдаланадиган аҳолиси ҳамда иссиқлик билан таъминловчи корхоналари диққатига!

1. Табиий газдан фойдаланишга аҳоли учун белгиланган тарифлар:

Т/р	Номланиши	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1.	Газ ҳисоблагич мавжуд бўлганида аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10м³	250,00
1.2.	Газ ҳисоблагич мавжуд бўлмаганида аҳолига етказиб бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10м³	432,05
	Иситиш учун	-/-	10м³	200,35

2. Газ ҳисоблагич мавжуд бўлмаганида коммунал-маиший эҳтиёжлар мақсадида табиий газдан фойдаланиш учун тарифлар (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Йиллик*	Ойлик
2.1.	Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти тизими бўлмаган уйларда овқат пишириш учун фойдаланиладиган маиший газ плитаси	Уйда яшовчи 1 киши учун 11 м³	5702,45	475,20
2.2.	Марказий иссиқ сув таъминоти тизими, газли сув иситиш бўлмаган уйларда овқат пишириш учун фойдаланиладиган маиший газ плитаси	Уйда яшовчи 1 киши учун 15 м³	7776,03	648,00
2.3.	Марказий иссиқ сув таъминоти тизими бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишловчи иссиқ сув таъминоти тизими бўлган уйларда иссиқ сув таъминоти учун фойдаланиладиган газли сув иситиш	Уйда яшовчи 1 киши учун 16 м³	8294,42	691,20
2.4.	Мавжуд иситиш газ асбоби турлидан қатъи назар, уйлар ва хонадонларни якка тартибда иситишда иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида газдан фойдаланиш учун	1 м³ майдон учун 5,76 м³	577,00	115,40
2.5.	Уй ҳайвонлари учун дағал ет хашакларни ва ўсимлик ўзати ва илдизларини парлаш м³ ҳамда уй ҳайвонларини суғориш ва санитар тозалаш учун сув иситиш	Бир бош: отта- 5,6 м³ ситирга- 23,7 м³ қўй(эчки)- 2,2 м³ чўчқага- 12,5 м³	2903,00 12286,18 1140,59 6480,05	241,92 1023,85 95,05 540,00

* Иситиш учун тўлов иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида амалга оширилади.

Иссиқлик билан таъминловчи корхоналар учун табиий газга ўрнатилган улгуржи нарх:

	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх (сўм) ҚҚС билан бирга ҳисоблаганда
Иссиқлик билан таъминловчи корхоналар учун етказиб бериладиган табиий газ	1000 м.куб.	48 000

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

1850 x 2950 x 100 ммли, 640 x 2435 x 16 пўлат; гильотина, ишламайдиган ҳолдаги фрезерлик дастгоҳи сотиб оламан. Т: 305-03-54.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нухсада босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.